

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



MENDELEEV DMITRIY IVANOVICH
(1834-1907)

2022
FEVRAL
№37



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 37-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 17 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Рустамов Зоир Аманович ГАРОВ – ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТДА МАЖБУРИЯТНИНГ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	7
2. Рахимов Умиджон Алиевич ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАЪВО МУДДАТИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ	9
3. У.А.Рахимов, Авезов Умиджон Тошпулатович КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ВА ЛОКАЛ ҲУЖЖАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ ИШТИРОКИ	11
4. Бабаев Абдулазиз Фахритдинович ТОВЛАМАЧИЛИК ОБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ АҲАМИЯТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	15



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ГАРОВ – ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТДА МАЖБУРИЯТНИНГ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.

Рустамов Зоир Аманович,

Денов туманлараро иктисодий судининг раиси

Телефон: +99897-350-44-77

Аннотация: Тақдим этилаётган мақолада гаров тушунчаси, турлари, гаровга қаратиш асослари, тартиби, гаровга қаритиш оқибати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: кредит шартномаси, гаров шартномаси, ипотека шартномаси, гаровга олувчи, гаровга қўювчи, гаров нарсаси, гаров билан таъминланадиган мажбуриятлар, суднинг мажбуриятни бажарилишини гаровга қаратиш тўғрисидаги қарори.

Бугунги кунда Республикамизда иктисодиётни ривожлантириш, жаҳон стандартларига мос, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Муҳтарам Президентимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир бир қатор қарорлар, фармонлар қабул қилиниб, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг натижасида сифат даражаси юқори бўлган, ҳам ички бозорда ҳам жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектлари сони ҳам ошиб бормоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришда банк кредитларининг ўрни жуда муҳим ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас.

Кредит шартномасини расмийлаштиришда кредит олувчилар – тадбиркорлик субъекти ёки фуқаролар албатта кредитнинг таъминоти сифатида мажбуриятнинг таъминлаш усулларида бирини таклиф этишлари лозим.

Биз ушбу мақолада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятнинг таъминлаш усулларида бири ҳисобланган гаров ниститутига тўхталиб ўтамиз.

Гаров қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун Қадимги Бобил, Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римда қўлланилган.

Фуқаролик қонунчилигида гаровга бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади деб таъриф берилган.

Қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият гаров билан таъминланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 265-моддасига кўра гаров закатат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаров институти кредиторга шуниси билан афзалки, унда қарздор томонидан гаров нарсаси орқали мажбурият бажарилишининг ҳақиқий кафолати берилган.

Гаров ҳуқуқи гаров шартномаси тузилган пайтдан, нотариал тасдиқланиши лозим бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб, қонучиликда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш назарда тутилган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб юзага келади.

Бугунги кунда судларга қарздор томонидан мажбуриятни бажармаганлик учун ундирувни гаровдаги мол-мулкларга қаратиш бўйича жуда кўп даъволар берилмоқда. Шундан энг кўп ҳолатлар банк кредитларини ундириш тўғрисидаги даъволар билан боғлиқ.

Суд амалиётида гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кўрилаётган низолар ва уларни суд томонидан ҳал этилиши билан боғлиқ баъзи масалалар тўғрисида тўхталамиз.

Агар мажбурият гаров билан таъминланган бўлса, яъни мажбуриятни таъминлаш гаров шартномаси ёки ипотека шартномаси билан расмийлаштирилган бўлса, мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарни ундириш тарафнинг талаби



билан суд томонидан гаров билан таъминланган кўчар ёки кўчмас мулкка қаратилиши мумкин.

Гаров шартномаси ёки ипотека шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда, суд шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаб, ундирувни гаров нарсасига қаратиш тўғрисидаги даъвои рад этиши мумкин.

Шунингдек гаров шартномаси ёки ипотека шартномаси бекор қилинган бўлса ёки гаров билан таъминланган мажбурият тўлиқ бажарилган ҳолларда ҳам ундирув гаров нарсасига қаратилмайди. Шунингдек қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда ундирувни гаровдаги мол-мулкларга қаратиш талаби рад этилиши мумкин.

Мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида кредитор ундирувни гаров нарсаси бўлган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги талаби суд томонидан мажбуриятни гаровга қўйилган мол-мулклар ҳисобидан қаноатлантириш тўғрисидаги қарор қабул қилишган асос бўлиши мумкин.

Гаров шартномасида назарда тутилган бўлса ёки ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви бўлган ҳолларда гаров олувчи судга мурожаат қилмасдан мажбуриятни гаровга қўйилган мол-мулклар ҳисобидан қондириши мумкин бўлади. Бошқа ҳолатларда фақат суд тартибида ҳал этилади.

Суд томонидан ундирувни гаров нарсаси ҳисобланган мол-мулкларга қаратиш ёки ёки мазкур талабни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ижро ҳужжати асосида Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ижрочиси томонидан электрон онлайн-аукцион шаклидаги очиқ кимошди савдосида сотиш орқали релизация қилиниб, ундан тушган пул-маблағлари кредиторнинг талабларини қаноатлантириш учун ўтказиб берилади.

Замонавий ҳуқуқ тизимида гаров институти фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Гаров институти бугунги кунда чет эл ҳуқуқ тизимида ҳам Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси сифатида киритилган ҳамда амалда мажбурият бажарилишини таъминлашда кенг қўлланилиб келинаётган усуллардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://constitution.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонуни [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)



ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАЪВО МУДДАТИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ

Рахимов Умиджон Алиевич,

Денов туманлараро иқтисодий судининг судьяси

Телефон: +99897-926-05-69

Аннотация: Такдим этилаётган мақолада даъво муддати тушунчаси, турлари, даъво муддатини қўлашнинг асослари, тартиби, процессуал оқибати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: даъво муддати, умумий ва махсус даъво муддати, даъво муддатини ўта бошлаши, даъво муддатини қўлашни талаб қилиш, даъво муддани тиклаш тўғрисидаги илтимоснома, суд томонидан даъво муддатини қўллаш.

Қонунчилигимизда, хусусан асосий қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги қайд этилиб, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Фуқаролик қонунчилигида “даъво муддати” деб номланган ҳуқуқий институт мавжуд бўлиб, қонунчилик ривожланган хорижий давлатлардаги каби Республикамизда ҳам даъво муддати институти қоидаларидан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 149-моддасига кўра даъво муддати шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатдир.

Даъво муддати шахснинг бузилган ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя этиши учун шахсга бериладиган имконият даври бўлиб, белгиланган муддат давомида ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилмаган ҳолатда, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш имкони йўқотилишини англатади.

Қонунчилик шахс ҳуқуқларини тўлақонли ва ўз вақтида ҳимоя қилиш учун умумий ва махсус даъво муддатини назарда тутди.

Умумий даъво муддати иштирокчиларининг барчаси учун уч йил қилиб белгиланган муддат бўлиб, қонунчиликда белгилаб қўйилган ва алоҳида тартибни назарда тутувчи муддатлар қўлланилмайдиган муддат ҳисобланади.

Махсус даъво муддати эса қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатилган талабларга нисбатан татбиқ этилиб, унинг муддати умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган кўринишда бўлади.

Хусусан, юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган (ФКнинг 724-моддаси), низолар бўйича бир йил, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддаси), низолар бўйича икки ой, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш («Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси), ҳақидаги низолар бўйича бир йил, махсус даъво ишга тиклаш низолари бўйича ходим меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб **бир ой**, ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилгани иш берувчига маълум бўлган кундан **бир йил** этиб белгиланган (*Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжаслик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳўжжасатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори*).

Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқларини бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган



вақтдан бошлаб ўтишни бошлайди.

Даъво муддатлари ўтказиб юборилган тақдирда суд иш бўйича тарафнинг (жавобгарнинг) даъво муддатини қўллаш ҳақидаги талабига мувофиқ даъвони рад этиши мумкин. Агар даъво муддати ўтказиб юборилган бўлса, бироқ иш бўйича тараф (жавобгар) даъво муддатини қўллаш ҳақидаги талаб қўймаса, суд ўз ташаббуси билан даъво муддатини қўллашга ҳақли эмас.

Агар низодаги жавобгар даъво муддатини ўтганлиги сабабли, даъво муддатини қўллаш тўғрисида ариза берган бўлса, даъвогар даъво муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома тақдим этиш мумкин. Бунда суд даъво муддати ўтмаганлиги ёки талаб бўйича даъво муддати қўлланилмаслигини аниқласа, ёхуд даъвогарнинг аризасига мувофиқ ёхуд ўз ташаббуси билан даъво муддати тикланиши лозим деган хулосага келса, жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш тўғрисида аризасини қаноатлантиришни рад этиб, даъво муддатини тиклаши ҳамда низо мазмунан кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин.

Агар даъво муддати ўтган бўлиб, уни тиклаш ҳақидаги даъвогарнинг илтимосномаси қаноатлантирилмаса, суд даъвони рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво тақдим этаётган шахслар даъво муддатларига қатъий риоя этишлари талаб этилади. Акс ҳолда тақдим этилган даъвони қаноатлантириш рад этилиб, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни суд томонидан ҳимоя қилиш имконияти йўқотилишига ҳамда даъво бўйича давлат божлари қайтарилмаслигига ёки судга давлат божи тўламасдан мурожаат этилган бўлса, давлат божини ундирилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни суд томонидан ҳимоя қилиниш имконияти йўқотилиши билан бирга даъво тақдим этган тарафни моддий жиҳатдан ҳам ортқча чиқим қилишига олиб келади.

Суд томонидан даъво муддати қўлланилиб, даъвони қаноатлантириш рад этилганда, яна бир назарда тутилиши лозим бўлган муҳим ҳолат шундаки, худди шу даъво билан, яъни айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир асослар бўйича ва айни бир предмет тўғрисидаги низо юзасидан судга такроран мурожаат этилганда, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 154-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қабул қилишни рад этади. Даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланган ҳолларда мазкур Кодекс 110-моддасининг 2-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Шу сабабли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари даъво муддатини ҳисобга олган ҳолда, шу даъво муддати ичида судга даъво аризаси билан мурожаат этиши лозимлигига эътибор қаратишлари лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қонунчиликда даъво муддатлари белгиланиши юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, суд томонидан низоларни қонуний ва адолатли ҳал этишда ҳамда асосли қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://constitution.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)



КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ВА ЛОКАЛ ХУЖЖАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ ИШТИРОКИ

У.А.Рахимов

Денов туманлараро

иқтисодий судининг судьяси

Авезов Умиджон Тошпулатович,

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изданувчиси,

Телефон: +998946110100

АННОТАЦИЯ: Ҳозиргикунга касаба уюшмалари ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Мазкур тезисда касаба уюшмаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳамда локал ҳужжатлари жодкорлигидаги иштироки, шунингдек, касаба уюшмаларининг томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг ўзига хос-хусусиятлари ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: касаба уюшмалари, ижтимоий ҳимоя, коллегиял орган, кўпчилик овози, сиёсий партиялар, локал ҳужжатлар, жамоа шартномаси, конструктив муҳолифат.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги касаба уюшмалари меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар номидан иш кўриб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини иш берувчилар, уларнинг вакиллик органлари, марказий ҳамда маҳаллий давлат органларида ифода қиладиган асосий жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Назаровнинг фикрича, ҳар қандай жамоат ташкилоти ижтимоий ва энг аввало, ҳуқуқий нормаларга асосланадиган ташкилий бирлик сифатида намоён бўлади. Жумладан, касаба уюшмалари мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишдек умуммиллий вазифани бажаришга муҳим ҳиссаси билан ўзига хос ўрин тутди [1].

Шу билан бирга, касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ўзига хос хусусият ҳамда жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жаҳонда касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини қуйидагича таснифлаш мумкин:

касаба уюшмаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тегишли ҳуқуқларини амалга ошириш (қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқалар) (Австрия, Исроил, Ҳиндистон, Сингапур, Уганда [2]);

касаба уюшмалари ёки касаба уюшмалари вакиллари томонидан тузилган сиёсий партияларнинг сайланган давлат органлари аъзолари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш фаолияти;

ваколатли давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнига бошқа усуллар билан, шу жумладан, касаба уюшмаларининг парламент аъзолари билан ҳамкорлиги орқали таъсир қилиш;

давлат органларида вакили бўлган сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш (Германия, Норвегия, Япония, Португалия, Франция, Италия, Миср, Сенегал), профессионал лоббистлар билан шартнома тузиш (фақат АҚШ), парламентга номзодлар билан ўзаро муносабат (Арманистон, Украина).

Ўзбекистон қонунчилигида мувофиқ, касаба уюшмалар томонидан ҳуқуқ ижодкорлигига оид фаолиятни мазмунига кўра бевосита ҳамда билвосита каби турларга таснифлашимиз мумкин. Бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги касаба уюшмалари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар шаклида намоён бўлса, билвосита ҳуқуқ ижодкорлиги орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиши ҳамда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ўз фикрини билдириши (қилиши)ни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий



масалалар бўйича қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Масалан, касаба уюшмалари Меҳнат кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этдилар. Улар иштирокида «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида» ҳамда “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган[3].

Меҳнат ҳуқуқи нормалари тизимида касаба уюшмаларининг локал норма ижодкорлигидаги аҳамияти илмий-ҳуқуқий адабиётларда бир неча бор қайд этилган. Локал ҳуқуқий тартибга солиш иш берувчининг мустақил равишда ёки ишчиларнинг вакиллик органининг фикрини инобатга олган ҳолда фақат корхона, муассаса, ташкилотда амал қиладиган меъёрий-ҳуқуқий функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив ҳужжатнинг қабул қилишдир[4]. Меҳнат кодексининг 21-моддасига мувофиқ, меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиш ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин. Корхонада бошқа вакиллик органларининг ҳам бўлиши касаба уюшмаларининг ўз вазифаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги белгиланган. Ҳозиргача вазият шундай ривожланганки, ишчиларнинг бошқа вакиллик органлари “ёрдамчи рол ўйнайди ва анъанавий касаба уюшмалари учун ҳеч қандай рақобат яратмайди [5]”.

Меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатлари билан бир қаторда, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бевосита ўзлари томонидан (иш берувчи томонидан ёки иш берувчининг ходимлар вакиллик органлари билан келишуви асосидаги (биргаликда) қабул қилинган локал меъёрий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Булар жумласига корхона ва ташилотларнинг Жамоа шартномаси, тармоқ жамоа келишуви, корхонанинг ички меҳнат тартиб-қоидалари ва ҳоказолар қиради[6]. Бундай ички ҳужжатлар: қонун билан бевосита тартибга солинмаган масалаларни ҳал этиш; айрим меҳнат шартлари ва нормаларига аниқлик киритиш; ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланганидан ташқари қўшимча ҳуқуқ ва кафолатларни тақдим этиш имконини беради[7].

Касаба уюшмаларининг локал нормаларни яратишда иштирок этишида, керакли натижага эришиш учун турли хил иш усуллари ва воситалари талаб қилинади. Баъзи ҳолларда, иш берувчига ходимлар учун ва шунга мос равишда уларнинг вакиллик органи учун фойдали қарор қабул қилиш учун таъсир ўтказди. Бошқа ҳолларда иш берувчи томонидан ҳар қандай турдаги ҳужжатни қабул қилишига қарши далиллар келтириш ёки кун тартибидаги муаммони норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган воситалар орқали ҳал қилишга ишончли мотивация бериш билан локал нормалар ижодкорлигида таъсир ўтказди.

Ички меҳнат тартиби қоидалари, таътиллар жадвали ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги локал ҳужжатлар алоҳида тартибда қабул қилинади. Уларни ходимларнинг вакиллик органи билан келишиш мажбурий. Аксарият ҳолларда корхонадаги ходимларнинг манфаатларини касаба уюшмалари ва улар сайлаган органлар (касаба уюшмаси қўмитаси) ҳимоя қиладди. Локал ҳужжат амалга киритилиши ва юридик кучга эга бўлиши учун иш берувчи уни ташкилотда фаолият кўрсатадиган ходимларнинг вакиллик органига келишиш учун тақдим этиши керак. Унинг розилиги олингандан сўнг локал ҳужжатлар иш берувчи томонидан тасдиқланади ва кучга қиради.

Меҳнат қонунчилигида касаба уюшмаси билан локал ҳужжатларни келишиш тартиби, ҳужжатни келишганликлари ёки келишмаганликлари юзасидан қарорнинг мазмуни, агар касаба уюшмаси қўмитаси айрим нормалар қонунга зид ёки ходимларнинг ҳуқуқларини етарлича кафолатламайди, деб ҳисобласа, иш берувчига йўлланган хатда асослантирилган тузатишлар бериш тартиби, локал ҳужжатларни тасдиқлаш ва қўллашнинг ҳеч қандай механизмини белгиламаган. Иш берувчи касаба уюшмаси томонидан берилган эътирозларни қабул қилиш ёки рад этиши сингари масалалар қонунчиликда очик қолдирилган. Касаба уюшмаси қўмитаси – коллегиал орган, унинг кўпчилик овози билан қарор қабул қилиниши қонундан келиб чиқиб қонунда локал ҳужжатлар ижодкорлигида касаба уюшмаларининг ролини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Агар ташкилотда ишчилар ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилишга қодир кучли касаба уюшмаси бўлса, иш берувчи унинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, касаба уюшмаси замонавий ҳуқуқий воқелик



шароитида конструктив муҳолифат сифатида ўз обрўсини қозониши ва мустаҳкамлаши керак[8]. Заиф касаба уюшмалари қўмитасининг борлиги, фақат номинал ташкилот сифатида, тегишли касаба уюшмаси аъзолари сонининг камайишига олиб келади.

Дарҳақиқат, касаба уюшмалари томонидан локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида амалга ошириладиган ҳимоя ва вакиллик функцияларини амалга ошириш, аслида касаба уюшмаларига аъзоликни рағбатлантириш масаласини ҳал қилишда энг муҳим омил ҳисобланади. Бу касаба уюшмалари ташкилотларининг ишчиларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари вакиллиги ва ҳимоясини қанчалик самарали амалга ошираётганига, касаба уюшмасига аъзо бўлишни хоҳловчилар сонига боғлиқ[9].

Локал ҳужжатлар қонун талабларига, ишчиларнинг манфаатларига жавоб бериши, ҳаёт ҳақиқатини акс эттириши керак (масалан, улар меҳнат қонунчилигига қараганда ишчиларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги керак), битим, келишувлар, уларни тайёрлаш ва қабул қилиш ташкилот томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши керак, касаба уюшма қўмитаси локал норматив ҳужжатларни ушбу талабларнинг барчасига мувофиқлигини текшириши шарт. Бундан ташқари, касаба уюшмалари қўмитаси янги қабул қилинган маҳаллий ҳужжатларда ишчиларнинг аҳволини ёмонлаштирадиган нормалар бўлмаслигини таъминлаши шарт. Агар иш берувчи локал ҳужжат матнидаги нормаларга бу турдаги ўзгартиришни киритишни талаб қилса, вакиллик органига бу каби қарор қабул қилишнинг иқтисодий сабабларини ёритиб бериши керак[10].

Касаба уюшмаларининг бевосита ўзлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар тўғрисида қонунда аниқ таснифланган бўлмаса-да, қонуннинг 46-моддасига мувофиқ, касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратининг натижалари бўйича баённома, хулоса, маълумотнома, кўрсатма, тақдимнома шаклидаги ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклдаги якуний ҳужжат тайёрланади жумласидан келиб чиқиб, баённома, хулоса, маълумотнома, кўрсатма[11], тақдимнома ҳамда қарор касаба уюшмаларининг асосий ҳужжати сифатида келтирилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, меҳнат қонунчилигида касаба уюшмаси билан локал ҳужжатларни келишиш тартиби, ҳужжатни келишганликлари ёки келишмаганликлари юзасидан қарорнинг мазмуни, агар касаба уюшмаси қўмитаси айрим нормалар қонунга зид ёки ходимларнинг ҳуқуқларини етарлича кафолатланмаганлиги боис локал ҳужжатларни тасдиқлаш ва қўллашнинг аниқ механизмини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий жодкорлиги ва бошқа юридик ҳужжатларга оид фаолиятини мазмунига кўра “бевосита” ҳамда “билвосита” турларига бўлган ҳолда таснифлаш мумкин. Касаба уюшмалари томонидан бевосита қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар шаклида намоён бўлса, билвосита ҳуқуқий жодкорлиги орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиши ҳамда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ўз фикрини билдириши (келишиш)ни келтиришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Назаров Ш. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг ўрни. Юрид. фан. номз. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 15.
2. Профсоюзы и парламенты: зарубежный опыт / Междунар. отд. исполкома ВКП [Б. м. и.], 1996.
3. Моховикова М. деятельность профсозов Узбекистана и органов самоуправления граждан в сфере занятости охраны трудовых прав. Власть №3. 2013. – С. 161-163.
4. Скобелкин В.Н., Передерин С.В., Чуча С.Ю., Семенюта Н.Н. Трудовое процедурно-процессуальное право / Под ред. В.Н. Скобелкина. Воронеж: Изд-во Воронеж. гос. ун-та, 2002. – С. 212 - 213.
5. Коршунова Т.Ю. Социальное партнерство: новые подходы // Человек и труд. 2002. № 6. С. 62.
6. Ё.Турсунов. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. (илмий-



амалий, моддалар бўйича шарҳлар) Т.:Адолат 2015. – Б. 8.

7. https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/korhonaning_lokal_hujjatlari_tugri_rasmiylashtiramiz.

8. И.Л. Пастухова. Участие профсоюзных комитетов организаций в создании локальных нормативных актов. Вестник Омского университета, 2003. №2. С. 116–119.

9. Коршунова Т.Ю. Комментарий к Федеральному закону «О профессиональных союзах, их правах и гарантиях деятельности». М.: ЗАО «Юридический Дом» Юстицинформ», 2002. С. 49.

10. Коршунова Т.Ю. Участие работников в управлении организацией // Человек и труд. 2002. № 7.– С. 39.

11. <https://kasaba.uz/hodimlar-murozhaati-urganib-chiqildi/>



ТОВЛАМАЧИЛИК ОБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ АҲАМИЯТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.

Бабаев Абдулазиз Фахритдинович

Тошкент вилояти Прокуратураси

Олмалик шаҳар прокурорининг ўринбосари

Телефон: +998903334414

farrukhjon655@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив белгилари бўйича долзарб масалаларга бағишланган. Товламачилик таҳдидининг ва мулкий талаб қилишнинг турлари таҳлил қилинган. Асосий эътибор товламачилик жиноятининг конструкцияси ва тугалланиш вақтига қаратилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: товламачилик, таҳдид, мулкни беришни талаб қилиш, товламачилик таҳдидларининг турлари, мажбурлашнинг усуллари.

Замонавий шароитларда шахснинг ўз мол-мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш ҳукуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳукукий ҳимоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Мулк муносабатларининг муҳофазаси давлат томонидан фуқаролик-ҳукукий деликтлардан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноий қилмишлардан ҳимоя қилиш орқали амалга оширилади. Айни пайтда, Ўзбекистоннинг амалдаги жиноят кодексида ҳар бир жиноятнинг алоҳида белгилари кўрсатилган ҳолда акс эттирилган, мазкур белгиларни ўзаро фарқлаш уларни тўғри шарҳлаш фан соҳасидаги инсонлар ва амалиётчиларга ҳам мураккаблик туғдиради. Юқоридаги акс эттирилганларни ҳисобга олган ҳолда товламачилик муаян қизиқиш уйғотади. Товламачилик бир вақтнинг ўзида икки объектга биринчиси, ўзганинг мулк ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабат бўлса, иккинчиси ўзганинг тана дахлсизлиги, соғлиғи, ҳаёти ва бошқаларни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларга зарар етказганлиги сабабли кўп объектли жиноятлардан ҳисобланади. Модда конструкциясига кўра товламачилик жиноят содир этиш вақтида жабрланувчига мулкий зарар етказмасада, ўзида мулкдор ёки мулкка эгалик қилаётган шахс ёки жиноят жабрланувчиси мумкин бўлган бошқа шахсга тегишли мулкни амалда ёки келгусида қўлга киритишга қаратилган ғараз мақсадни мужассам этади. Товламачилик, мулкка қаратилган бошқа ўхшаш таркибли жиноятлардан ўзининг мулкни келажақда эгаллашга йўналтирилганлик хусусиятига кўра фарқланади. ЖКнинг 165-моддасига мувофиқ товламачилик деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгача мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқини топширишни, мулкнинг манфаатлар беришни ёхуд мулкнинг йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш тушинилади.

Келтирилган таъриф таҳлил этилаётган жиноят таркибининг объектив томонини тўлиқ ҳажмда ифода қилади. Конструкциясига кўра товламачилик ўзаро чамбар-чарс боғланган икки ҳаракат яъни таҳдид ва талаб қилишдан иборатдир. Қоидага кўра таҳдид талаб қилиш билан ҳамроҳ бўлади ва талаб бажарилиши вақтига кўра олдин ёки кейин мавжуд бўлади. Қонун мазмунига кўра таҳдид талаб қилишдан олдин мавжуд бўлмаганида ҳам товламачилик истисно этилмайди. Таҳдид орқали талаб қилинишини кўрсатилиши товламачиликни бир вақтда икки объектга зарар етказувчи хавфли жиноят эканлигини тавсифлайди. Товламачилик талаби жабрланувчи ёки бошқа учинчи шахсдан мулкни беришни ёки бошқа мулкнинг йўсиндаги ҳаракатларни товламачи ёки бошқа учинчи шахсларнинг фойдасига ҳал этилиши айтилишида намоён бўлади. Товламачилик талаби асосли ёки бунинг акси бўлиши мумкин. Агар талаб асосли бўлса, унинг қўланилиш учун етарли ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиши талаб этилади. Бундай ҳолатда товламачилик жинояти таркиби мавжуд бўлмайди, бироқ таҳдид Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Суд-тергов амалиётида товламачилик билан боғлиқ ишларнинг таҳлили, аксарият ҳолларда айбдорлар мулкнинг талабни амалга оширишда жабрланувчи билан ораларида фуқаролик битими ёки етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳолатларни келтириш орқали қонуний тус бериш ҳолатлари учраётганлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатларни квалификация қилишда жабрланувчи ва товламачи ўртасида фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар йўқлигига аниқлик



киритиш лозим. Талаб қилиш ҳар қандай: оғзаки, ёзма, телефон орқали, почта орқали ифодаланиши мумкин. У мулк қонуний эгалигида бўлган мулкдорга ёки мулк кўриқлаш, эгалик қилиш учун топширилган шахсга қаратилган бўлиши мумкин.

Г.Л. Кригер айбдор томонидан ЖК 165-моддаси конструкциясига мос бўлган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ўзгача мулкни талаб қилиш таҳдиди ҳақиқий ҳолатда жабрланувчи томонидан дарҳол бажарилиши, келажакка қаратилган бўлиши шарт.

Товламачилик таҳдидининг ҳар қандай кўриниши кулол ёки бошқа предметларнинг мавжудлигидан қатъий назар жабрланувчи уни ҳақиқий деб идрок этса кўрқитиш воситасидир. Қонун чиқарувчи томонидан товламачининг жабрланувчига талабларини бажаришга мажбурлаш усуллари сифатида қуйидаги таҳдидлар: 1) зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш; 2) ўзгача мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан кўрқитиш; 3) жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларини шарманда қилувчи маълумотларни (жинсий ҳаёт, соғлиғининг ҳолати, таржимаи ҳолнинг уятли жиҳатлари ҳақида) ошкор қилиш билан кўрқитиш; 4) шарманда қилмайдиган, бироқ унинг ошкор этилиши жабрланувчининг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказувчи маълумотларни (тижорат, оилавий ёки шахсий сирни ташкил этиши мумкин бўлган) тарқатиш билан кўрқитиб.

Юқорида келтирилганлар, жиноятга суиқасд қилишнинг тугалланиш босқичини ва товламачилик объектив томони жабрланувчига мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқни берилишини талаб қилиш ва таҳдид қилинганда бажарилиши бўйича тўлиқ аниқлашга имкон беради. Демак, товламачилик ЖК165-моддасида назарда тутилган ҳолатлар билан боғлиқ таҳдид қилиб, мулк ёки мулккий ҳуқуқни берилиши талаб қилинганидан тугалланган ҳисобланади. Жабрланувчи томонидан мазкур талабларнинг бажарилмаслиги қилмишни тугалланган жиноят сифатида баҳолашда аҳамият касб этмайди. Товламачиликда қўлланилган таҳдид жабрланувчи томонидан реал қабул қилиниши лозим, шунингдек жабрланувчида мазкур таҳдиддан кўрқитиш учун етарли асос бўлиши лозим. Бунда товламачи қўллаган таҳдидини келажакда ҳақиқатда ишлатишни мақсад қилган-қилмаганлиги квалификацияда аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари, таҳдидни ҳақиқий деб баҳолаш учун жиноятчи уни дарҳол ёки келажакда амалга ошириш ниятини билдирганлиги муҳим эмас.

Товламачиликнинг квалификацияга оид белгилари, айниқса зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган товламачиликни бошқа ўхшаш таркибли жиноятлар жумладан зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик ва босқинчиликдан фарқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон қарорининг 4-банд биринчи хатбошисида “Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда кўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим.”. Шунини эътиборга олиш лозимки, талончилик ва босқинчиликда зўрлик мулкни эгаллашни ёки уни ўзида сақлаб қолишнинг воситаси ҳисобланса, товламачиликда таҳдидни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Талончилик ва босқинчиликда мулкни эгаллаш зўрлик ишлатилган вақтда ёки зўрлик ишлатилганидан сўнг амалга оширилса, товламачиликда айбдорнинг қасди мулкни келажакда эгаллашга қаратилган бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қилмишга товламачилик сифатида тўғри ва аниқ ҳуқуқий баҳо бериш учун қўлланилган таҳдиднинг реаллиги, айбдор ва жабрланувчининг ўзаро муносабати, айбдор фарз қилинган ёки ҳақиқий ҳуқуқи мавжудлиги ҳолати, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш қўлланилган вазият аниқлик киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Безверхов А.Г. О некоторых вопросах квалификации вымогательства // Уголовное право. 2016. № 2. С. 4–11.
2. Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления: учеб. пособие. М., 1987.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон қарори: <https://www.lex.uz/docs/1448644>.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
